


Буюк Британия масжидларида очиқ эшиклар куни бўлиб ўтади



11:30 / 02.03.2019 1958

2019 йилнинг 3 март куни Буюк Британия бўйлаб бўлиб ўтадиган анъанавий тадбирнинг номи “Менинг масжидим кунига ташриф буюринг” деб номланади.

Сўнгги беш йилдан буён мантазам равишда ўтказиб келинаётган ушбу очиқ эшиклар тадбирида Буюк Британиядаги кўплаб масжидлар қатнашади. Бу йилги тадбирда мамлакат бўйлаб 200 дан зиёд масжиднинг иштирок этиши кутилмоқда, деб ёзади The Independent нашри.

Ушбу оммавий тадбирни ўтказишдан мақсад турли дин вакиллари, оддий фуқароларни мусулмонларнинг масжидлари, ислом дини билан яқиндан таништиришдир. 2015 йилда 20 та масжид иштирокида бошланган мазкур тадбир бугунга келиб англияликлар орасида оммавийлашиб бормоқда.

Ўтган йилги тадбирда Буюк Британия бош вазири Тереза Мей ва Лондон мери Содиқ Хон ҳам қатнашган эди. “Бу одамларни масжидга келиб, озгина бўлса-да Ислом ҳақида тушунча олишларига катта имкониятдир”, деб айтган эди Бош вазир. Лондон мери эса масжидлар тўғрисида одамларда тўғри тушунчаларни шакллантиришга яхши ёрдам беришини маълум қилган. Лондоннинг Конфессиялараро тармоқ раҳбари, доктор

Харрит Краббетнинг айтишича бу каби тадбирлар турли эътиқодлар ўртасидаги ўзаро яқин муносабатларни янада мустаҳкалашига ёрдам беради.

Тадбир давомида масжид маъмурияти ташриф буюрганларга Ислом дини, шариат аҳкомлари, масжиднинг вазифалари ҳақида маълумотлар берадилар, зарур тарқатма материаллар билан таъминлайдилар.

Islom.uz портали таҳририяти